БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 13 (16.096) • 16 январь 1975 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КУПАЙТИРИНГИЗ; ДОН, ПАХТА, ҚАНД ЛАВЛАГИ, КАРТОШКА ВА БОШҚА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ҲАМДА ЯЛПИ ҲОСИЛИНИ ОШИРИНГИЗ; ЧОРВАЧИЛИКНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ КУТАРИНГИЗ, ЧОРВА ВА ПАРРАНДАЛАРНИ КУПАЙТИРИНГИЗ; КУПРОҚ ГУШТ, СУТ, ТУХУМ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИНГИЗ; МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ УЧУН, ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН, ҲАР БИР ТРАКТОР ВА КОМБАЙНДАН, ҲАР ТОННА МИНЕРАЛ УҒИТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан).

МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯВЕРСИН!

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ЙИЛИ

Деҳқонлар йили бошланди. Бу йил тўққизинчи беш йилликка якун ясалади. Янги йил дастлабки кунлариданоқ изли-қутли келди. Яқинда матбуотда КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу тарихий ҳужжатда мамлакатимизда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар мамнунлик билан таъкидланади.

Умуман халқ хўжалигини муттасил ривожлантириш таъминланганлиги, — дейилади Мурожаатда, — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда олға томон катта қадам қўйилганлиги ўтган тўрт йилнинг бош сиёсий якуни бўлди.

Совет кишилари КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программанинг самараларини ғоят сезиб турибдилар. Халқ фаровонлиги даражаси анча ошди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи кўпайди.

Бизнинг барча муваффақиятларимиз, — дейилади Мурожаатда, — Коммунистик партиянинг ленинча сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишининг натижасидир. Совет кишилари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, унинг Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали ва собитқадам фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаб, актив қўллаб-қувватламоқдалар. Партия билан халқнинг бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи, барча ғалабаларимизнинг негизидир.

Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилини хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришиш билан якунладилар. Утган йили она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна пахта армуғон этилиб, социалистик мажбурият бажарилди. Беш йилликнинг ўтган тўрт йилида Ўзбекистон пахтакорлари халқ хўжалиқ планида кўзда тутилганидан 1 миллион 920 минг тонна кўп «оқ олтин» тайёрладилар. Республикамиз бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Механизаторларимиз меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар тайёрланган ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғи — 2.660 минг тоннасини машиналарда теріб бердилар. Бу билан пахтачиликнинг тақдири механизациялаш даражасига, деҳқончилик маданиятини юксалтира билишга боғлиқ эканини амалда исбот этдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича белгиланган топшириқлар ҳам шараф билан адо этилди. Пилланорларимиз белгиловчи йилда қарийб 22.347 тонна пилла тайёрладилар. Қоракўлчи чорвадорларимиз она-Ватанга 2 миллион 320 минг дона юқори сорт қоракўл тери тухфа қилдилар. Тайёрлов ташкилотларига 540 минг тонна — халқ хўжалиқ планида белгиланганига нисбатан 114,4 процент дон, шу жумладан, 215 минг тонна — планга нисбатан 130 процент шоли топширилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табригидан илҳомланган республикамиз маккажўхорикорлари дон етиштиришни бир йилда 1,7 баравар кўпайтирдилар, давлатга 135 минг тонна маккажўхори дони сотдилар. 80 минг гектар майдондан йиғиштириб олинган маккажўхорининг ўртача ҳосилдорлиги 59 центнерга етди.

Чорвадорларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Улар чорва моллар туёқ сонини кўпайтиришда катта ғалабаларга эришдилар, давлатга сут, гўшт, тухум, жун ва бошқа хил чорва маҳсулотлари сотиш планларини ҳамма турлари бўйича тўла ва ошириб бажардилар. Чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланди, комплекс механизация чорвачиликда муҳим ўрин олди, чорва биноларн қуриш ҳар йилдагидан кучайтирилди.

Белгиловчи йилда давлатга 1 миллион 460 минг тоннадан кўпроқ сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ва картошка, салкам 400 минг тонна мева ва узум сотилди. Мева, сабзавот маҳсулотларини топшириш ва мамлакатнинг саноат марказларига етказиб бериш халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилди. Канал тайёрлаш плани ҳам ошириб адо этилди.

1975 йил КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўққизинчи беш йиллик вазифаларини тўла-тўкис бажаришимиз лозим бўлган йилдир. Якунловчи йилда республикамиз қишлоқ меҳнатчилари олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Улар она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна пахта етказиб беришлари, дон тайёрлашни 2 ярим миллион тоннага етказишлари, маккажўхори дони ва шоли миқдорини айниқса кўпайтиришлари керак. Чорвадорларимиз сут тайёрлашни ўтган йилдагига нисбатан 100 минг тонна кўпайтиришлари, гўшт, тухум, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда нескин бурилиш ясашлари лозим.

Вазифалар белгиланди, режалар аниқ, чўққилар нишонга олинди. Шуни айтиш керакки, якунловчи йилнинг юки оғир, манзили олис. Лекин ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб астойдил ишга киришсак, партия ташкилотлари атрофига янада маҳкамроқ жипслашиб, меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатсак, юк енгил кўчиб, манзил қисқаради, социалистик мажбуриятларимиз бажарилиб, партия, халқ олдида юзимиз ёруғ бўлади, пахтакорлик номини яна бир карра шарафлаймиз.

Мурожаатда бутун ишимиз конкретлик асосига қурилмоғи, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотлар етиштиришимиз зарурлиги таъкидланган. Баҳор эшик қоқяпти. Кўкламги экин мавсумига тайёргарлик ишлари қандай бораяпти? Бу масалани синчковлик билан таҳлилдан ўтказмоғимиз керак.

Ер — ҳазиналар бойлиги. Ерга ер нўшиш, янги ер ўзлаштириш, партов ерларни қайта оборотга киритиш йўли билан экин майдонларини кенгайтириш Мурожаатга амалий жавобимиз бўлади.

Бу йил ҳам Сирдарё, Амударё, Қорадарё, Зарафшон дарёси ва бошқа иншоотларда сув кам бўлиши кутилмоқда. Вазиятни ҳисобга олиб, қор-ёмғир сувлари билан шу кунларда ерларни сувга қондирайлик, сув омборларида иложи борича кўпроқ сув жамғариб олишга, унинг исроф бўлишига йўл қўймасликка эришайлик!

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг жойлардаги устахоналарида, колхозлар ва совхозларнинг устахоналарида ҳамма маркадаги тракторлар, универсаллар, механизм ва сеялкаларни тезроқ сифатли ремонтдан чиқарайлик!

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўришлари керак.

КПСС Марказий Комитети ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимларни, барча совет кишиларини 1975 йил план-топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришга чақирди. Партия ташкилотлари бу борада ташкилотчилик, таргиботчилик ролини кучайтиришлари, Мурожаатда баён этилган фикрларни пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали меҳнаткашларнинг онгига сингдиришлари керак.

ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР!

◆ ҲАММА ЧОРВА МОЛЛАРНИ ИССИҚ БИНОЛАРГА ОЛИБ, КЕЧА-КУНДУЗ ТЎЙИМЛИ ОЗУҚАЛАР БИЛАН БОҚИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГ. ЕШ ЧОРВА МОЛЛАРНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

◆ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СЕКРЕТАРЛАРИ ЧОРВА ФЕРМАЛАРИ, ОТАРЛАРНИ ЁРДАМЧИ КУЧЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШЛАРИ КЕРАК. ҲАР БИР ФЕРМА ВА ОТАРДА ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСИН. ПРАВЛЕНИЕ ВА ПАРТИЯ БЮРОЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ, КОММУНИСТЛАР, МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИШЛОВНИ БЕХАТАР ЎТКАЗИШДА АКТИВ ҚАТНАШСИН. ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ СОЗ ЎТКАЗИШГА ҲИССА ҚЎШИШ БУТУН ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ШАРАФЛИ ИШИДИР.

◆ ҚИШЛОВ ДАВРИДА ЧОРВАДОРЛАР ОРАСИДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРАЙЛИК!



Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари беш йиллик планни тўрт йилда бажариб, пландан ташқари 500 тонна сут сотдилар. Қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган колхоз чорвадорлари ҳозир 1976 йилнинг июнь ойи ҳисобига сут топширяптилар. Суратда: сут соғиш беш йиллик планини 1973 йилдаёқ бажарган Тожихон Абдураҳмонова (ўртада) беш сут соғувчилар Шаҳрибон Алимова ва Соҳиба Парпиеваларга ўз тажрибаларини ўргатмоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

„САЛЮТ-4“ ЭКИПАЖИ ВАЗНСИЗЛИК ҲОЛАТИГА КЎНИКИБ ҚОЛДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 январь. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станциясининг учиш программасига мувофиқ космонавтлар А. А. Губарев билан Г. М. Гречко борт аппаратларини очиш ва текшириш юзасидан кўпчилик операцияларни бажариб бўлгандан кейин илмий ва техникавий тадқиқотларни ва экспериментларни бажаришга киришдилар.

Экипаж станция бортида ўтказган навбатдаги иш куни давомида станцияни орбитал учишнинг турли режимлари шароитида, қуёшга, ойга ва плакеталарга мўлжал олдиришга имкон берадиган янги приборлардан фойдаланган ҳолда мустақил навигация усулларини пишиқтирдилар. Шу жумладан станция энг кам ёруғлик шароитида ернинг қуёшга тескари томони устида учаётган чоқда уни ерга мўлжал олдирувчи приборлар пишиқтирилди.

Космонавтлар навигация экспериментларни ўтказган чоқда приборлардан фойдаланишда уларга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда приборларнинг характеристикаларига баҳо бердилар.

«Салют-4» станциясида микроорганизмлар, хужайралар, олий ўсимликлар билан генетик, эмбриологик, физиологик ва биологиятехникавий тадқиқотлар ўтказила бошланди.

Космонавтлар алоқа сеанслари давомида вазнсизлик ҳолатига ва тиғиз иш маромига тўла равишда кўникиб олганликларини хабар бердилар. Губарев ва Гречко ўртоқларнинг кайфияти яхши. Станция ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Учиш давом этмоқда.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАДА ҒОЛИБ ЧИҚҚАН МОСКВА ШАҲРИНИНГ КОМСОМОЛЛАРИГА

Азиз комсомол ўртоқлар, навқирон дўстлар!

Сизларнинг хатингизни завқ-шавқ билан ўқиб чиқдим, унда сизлар ўз муваффақиятларингиз тўғрисида, беш йилликнинг якунловчи йилида стахановчасига, гвардиячилардек меҳнат қилишга, Коммунистик партия билан совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муносиб давом эттиришга азму қарор берганлигингиз ҳақида ҳикоя қилибсизлар.

Уруш йилларида алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган солдатлар жанг тугаши биланоқ ўз қисмининг байроғи ёнида фотосуратга тушар эдилар. Ҳозир ҳам сизлар беш йилликни муваффақиятли бажаришингиз, фидокорона меҳнатингиз ва аъло ўқишингиз билан халқимизнинг афсонавий байроғи — ғалаба байроғи ёнида фотосуратга тушишдек фахрли ҳуқуқни қўлга киритдингиз.

Бу табаррук байроқ ҳозир ҳам сизларни, фронтчиларнинг ўғиллари, қизлари ва набираларини меҳнатда, КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришда жасоратга руҳлантираётганлиги ғоят рамзий ҳодисадир.

Биз, кекса авлод кишилари, мамлакатимиз ёшларида сизларнинг ота ва оналарингиз учун характерли бўлган совет кишисига хос ажойиб фазилатларни: партияга, Ватанга чексиз садоқат, меҳнатда фидокорлик, беш йилликнинг олдинги марраларини штурм қилишда қаҳрамонлик фазилатларини кўриб турибмиз.

Сизлар совет Ватани учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлганларнинг порлоқ хотирасини зўр эҳтиром билан ардоқлаб, қаҳрамонларнинг жасоратига тенглашаётганлигингиз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун айниқса қимматлидир. Сизларнинг улуғ ғалабанинг 30 йиллиги нишонланадиган йилда фашизмга қарши олиб борилган жанг майдонларида қолганлар учун ҳам ишлашга қилган ватанпарварлик даъватингизга бутун мамлакат ёшлари қўшилишларига аминмиз.

Партия совет ёшларининг меҳнатдаги ғайрат-шижоатини юксак қадрлайди, Ленин комсомолини ўзининг резерви ва ишончли ўринбосари деб билади.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида комсомоллар ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда юксак онглилик ва ижодий активлик намунасини кўрсатишларига, Коммунистик партия режаларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига ўз муносиб ҳиссаларини қўшишларига ишонч изҳор этилган.

«Коммунистлар билан комсомоллар — олға!»—деган жанговар шиор биз, фронтчиларни ҳал қилувчи пайтларда доимо руҳлантириб турган эди.

Катта авлодлар жасоратига доимо муносиб бўлинглар, билимларни қунт билан эгалланглар, бутун халқ билан биргаликда беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда зарбдорларча қатнашингиз.

Л. БРЕЖНЕВ.

«ФРАНЦИЯ—СССР» ЖАМИЯТИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИГА

«Франция — СССР» жамияти раҳбарлари ва аъзоларини, Совет Иттифоқининг Франциядаги барча дўстларини жамиятнинг 30 йиллиги билан самимий табриклаш ва қутлашдан ғоят мамнунман.

Мамлакатларимиз халқлари фашист босқинчиларга қарши шиддатли кураш олиб борган кунларда Франция демократлари ва ватанпарварлари тузган сизнинг жамиятингиз ўз мамлакатининг ҳаётий манфаатлари учун Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг аҳамиятига чуқур ишонган ғоят хилма-хил жамоат табақалари ва сиёсий группалар вакилларини ўз сафларига бирлаштирди. «Франция — СССР» жамияти урушгача бўлган даврда халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш учун кўп иш қилган Франция тараққийпарвар кучларининг шонли анъаналарини давом эттириб, Франция — Совет дўстлигини мустаҳкамлаш учун доимо сабот билан баъзан мураккаб вазиятда кураш олиб борди. Ҳозирги вақтда мамлакатларимиз ўртасида кўпгина соҳаларда ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, бунга жамиятингизнинг катта хизматлари туфайли, жамият минг-минглаб активлари фидокорона фаолияти туфайли эришилди.

Совет кишилари халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ишонч муносабатларини ривожлантириш ишига «Франция — СССР» жамияти қўшган ҳиссани юксак баҳолайдилар. Жамият фаолиятини Франция жамоатчилигининг кенг табақалари, мамлакатингизнинг сиёсий партиялари ва расмий доиралари қўллаб-қувватлаётганлигини мамнуният билан қайд қиламиз.

«Франция — СССР» жамиятини Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги билан қизғин қутлайман, француз ва совет халқлари бахт-саодати йўлидаги, халқлар тинчлиги, хавфсизлиги ва дўстлиги манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятида «Франция — СССР» жамиятининг миллий комитетига, департаментга ва маҳаллий бўлимларига ва барча аъзоларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ФРАНЦИЯ—СССР» ЖАМИЯТИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Франция билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда ташкил қилинган кунига 30 йил тўлиши муносабати билан «Франция—СССР» жамияти Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил 14 январь.

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда саноатни индустрлаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революцияни амалга ошириш учун кураш қизғин тус олган бир пайтда, социализмнинг бутун фронт бўйлаб ғалабаси узил-кесил таъминланаётган долзарб кезларда донгдор шахтёр, Донбассдаги «Центральное Ирмино» шахтасининг забойчиси Алексей Стаханов тарих саҳифаларида зарварақ бўлиб қолган ажойиб ҳаракатни бошлаб берди. Бу ташаббус Стаханов номи билан аталишининг ўзиёқ унинг моҳиятини тўла очиб беради. Ўша пайтда социализмнинг қудратини белгилайдиган оғир саноатнинг аксарият соҳасида тошкўмир «хамиртуруш» вазифасини бажарарди. Ҳатто темир йўл транспортининг асосий ёқилғиси тошкўмир эди. Саноатимизнинг, қолаверса, бутун халқ хўжалигининг ҳозирги гуркираб ривожланиши маълум даражада стахановчилик ҳаракати билан боғлиқдир.

Янги ҳаёт, янги турмуш учун жиддий иқтисодий, техникавий, илмий тадбирларни амалга оширишда бу ҳаракатнинг роли ғоят катта бўлди. Халқ ҳокимиятининг куч-қудратини, ишчилар синфининг ижодкорлигини камситиб, капитализмга маддоҳлик қилаётган Ғарбнинг антисоветчиларига совет ишчисининг амалий жавоби бўлди. Янгича дунёқараш, масаланинг моҳиятига чуқур тушуниб етиш — биз танлаган йўлнинг қанчалик тўғри ва адолатли эканлигини яна бир карра жаҳон афкор оммасига намойиш қилди.

1935 йил 31 августга ўтар кечаси шахтёр Алексей Стаханов шахтага тушиб, олти соатлик иш давомида 102 тонна кўмир қазиб, нормасини 14,5 марта орттириб бажарди. Стаханов ишни янгича уюштирди. Одатда забойчи кўмир чопиб туширишгина эмас, ўзи шахтани маҳкамлаб ҳам борарди. Бу ишга унинг ярим вақти сарф бўлиб, шу пайтда болта бекор турарди. Стаханов ишни бошқача ташкил қилди, у фақат кўмир чопиб туширди, иккита ёрдамчи ишчи эса унинг кетидан юриб, шахтани маҳкамлаб борди. Шу сабабли забойчи бутун сменада унумли ишлади, кўмир қазиб чиқариш узлуксиз давом этаверди. Стахановдан ўрнак олган кўпгина забойчилар илгари сира кўрилмаган унумдорлик билан ишлай бошладилар.

Донбасс шахтёрларининг шонли ишлари ҳақидаги қутлуғ хабар тезда мамлакатга ёйилиб, у илғор ишчиларнинг эски техника нормаларини бекор қилиш ва меҳнат унумдорлигини кескин кўтаришдек ажойиб ҳаракатни келтириб чиқарди. Мамлакатимиз меҳнат аҳлини янги-янги ғалабаларга руҳлантирди.

Алексей Стахановнинг бу ташаббуси қисқа муддат ичида Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб олди. Ўзбекистон ишчилари орасида иш нормасини ошириш, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш учун оммавий ҳаракат бошланди. Техникани пухта эгаллаш, меҳнат тақсимоти асосида ихтисослаштириш, ишчи кучларини бригадаларга рационал жойлаштириш, иш жойини ва бутун технология жараёнини пухта ташкил қилишдек стахановчи иш усулларининг барча хусусиятлари кенг ўрганила бошланди. 1935 йилнинг охирига келиб «Чирчиқстрой»даги ишчиларнинг 70 проценти мунтазам суратда нормаларини ошириб бажарадиган бўлди. «Ташсельмаш» заводида қуюв цехининг қолипловчилари коллективи нормани 200 — 250 процент қилиб, айрим илғорлар эса 380 — 400 процент қилиб бажардилар. Тошкент тўқимачилик комбинатида 64 та дастгоҳда ишлаган тўқувчи Муҳаббат Носирова ва илғор меҳнат усулининг устаси — йигирувчи Мавжуда Абдураҳмоновалар юқори меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатдилар. Қомбинатнинг илғорлари — ип йигирувчиларидан Т. Ермуҳамедова, М. Саидова, Т. Солиҳўжаева, К. Барбариц ва бошқа кўплаб йигирувчилар стахановчилик ҳаракатининг ижодкорлари бўлдилар.

Темир йўл транспортида «Қизил шарқ» заводининг бригада бошлиғи В. И. Поляков, шу завод фрезерчиси Умар Султоновлар биринчи бўлиб янги ҳаракатни бошлаб бердилар. Пиллакашлик саноатида Марғилон пилла йигириш фабрикасининг ип боғловчиси Мадалиева, Кузнецова ва Колесничковалар биринчи бўлиб етти станокни бошқаришга ўтдилар.

Стахановчилик ҳаракати шундай бир ноёб чашманинг кўзини очдики, бу чашмадан оқиб чиққан ирмоқлар суви азим дарёни, қолаверса катта денгизнинг қудратли тўлқинини яратди. Бу тўлқин кун сайин мавжланаверди. Ҳозирги умумхалқ социалистик мусобақаси мазмуни ва мундарижасининг пойдевори ана ўшанда қўйилган эди.

Стахановчилик ҳаракати туфайли бир кишининг рекорди бутун-бутун коллективларнинг одатдаги иш нормасига айланиб қолди. Шу йиллар мобайнида ишчиларнинг қаҳрамонона меҳнати билан республикада иккинчи беш йиллик муддатидан олдин — тўрт йилу ўн ойда бажарилди.

Эндиликда юксалишнинг шундай нурафшон ва ёрқин чўққисига кўтарилдикки, янгидан-янги ташаббусларнинг ташкилотчилари бўлиб бутун областлар, ҳатто республикалар чиқмоқда. Биринчи беш йилликларда юзага келиб, саккизинчи, тўққизинчи беш йилликларда қайтадан авж олган ва ривожланган республикаларо «Минглар шартномаси» ҳаракатининг Иттифоқ доирасига ёйилиши бунинг далилидир. Ана шунинг учун ҳам биз бугунги кунда стахановчилик ҳаракатини улуғлаймиз, муқаддас биламиз. Эндиликда бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини адо этиш, злобинчилар ва мураббийчилик сингари ажойиб ҳаракатлар ҳам юзага келди. Бутун мамлакатдаги сингари Ўзбекистон ишчилар синфи ҳам стахановчилик ҳаракатининг 40 йиллигини социалистик мусобақанинг янги-янги формаларидан фойдаланган ҳолда кутиб олмоқдалар.

АВСТРАЛИЯ БОШ МИНИСТРИ ШАРАФИГА

СССР ҳукумати 14 январь куни Катта Кремль саройида Австралия Бош министри Эдвард Гоф Уитлем шарафига зиёфат берди.

Совет томонидан зиёфатда А. Н. Косигин, А. А. Громико, К. Т. Мазуров, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат чоғида А. Н. Косигин билан Э. Г. Уитлем нутқ сўзладилар. (ТАСС).

СОВЕТ—АВСТРАЛИЯ МУЗОҚАРАЛАРИ

14 январь куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров билан Совет ҳукумати таклифига биноан расмий визит билан Москвага келган Австралия Бош министри Э. Г. Уитлем ўртасида музокаралар бошланди.

Конструктив, дўстона руҳда ўтган музокаралар чоғида Совет—Австралия муносабатларига ва бу муносабатларни янада ривожлантириш истиқболларига доир масалалар хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

Томонлар кейинги вақтларда Совет Иттифоқи билан Австралия ўртасидаги муносабатларда муҳим ижобий силжишлар рўй берганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Ҳар иккала томонни қизиқтирувчи муҳим халқаро проблемалар ҳам муҳокама қилинди. Томонлар халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштириш йўлида эришилган натижаларга юксак баҳо бердилар ва бу жараённи янада кучайтириб, уни жаҳоннинг бошқа районларига ҳам ёйишга эришиш зарур эканлигини таъкидладилар.

Музокаралар давом эттирилади. (ТАСС).

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

КПСС XXIV съездида таъкидланганидек, коммунистик қурилиш жараёнида илм-фаннинг, илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилган.

Илмий тадқиқотларни ташкил этишда ва уларнинг самарадорлигини оширишда, фан-техника тараққиётини янада тезлаштиришда, фаннинг турли соҳаларида фундаментал ва амалий изланишларни ривожлантиришда юқори малакали илмий кадрлар—фан кандидатлари ва фан докторларини тайёрлаш катта ва муҳим роль ўйнайди.

Студент-ёшлар ўртасидаги ғоявий-тарбиявий ишлар даражасини ва энг муҳими — уларга бериладиган таълим сифатини ошириш, олий ўқув юртлари талабаларининг ҳозирги замон фанларини қунт билан ва чуқур ўрганишлари, уларнинг ижодий фикр юритиш қобилиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан илмий-педагогик кадрларнинг малакасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партия ва давлат юқори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаб етиштиришга, уларнинг умумназарий ва махсус билимларини ошириш тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқотларни кенг ривожлантириш ва уларнинг натижаларини халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этиш ҳамда илмий, ўқув ва бошқа муассасаларни юқори малакали ходимлар билан таъминлашни доимо диққат-марказда тутмоқдалар.

Республикада илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг сони, илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг, фан кандидатлари ва фан докторларининг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Тўққизинчи беш йиллик бошлангунга қадар республикада 2500 илмий ва илмий-педагогик ходим ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 28 мингдан ортиб кетди, фан докторлари 494 киши бўлган бўлса, ҳозир улар 686 кишига етди. Фан кандидатларининг сони 6907 кишидан ҳозирги вақтда 9 мингдан зиёд кишига кўпайди.

Баъзи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларимиз мутахассисларининг сифат состави даражасига кўра, уларда ишлаётган юқори малакали кадрлар жиҳатидан ҳозирги вақтда Иттифоқимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Айниқса, сўнгги йилларда илмий кадрлар сифатининг тез яхшиланиб борганлиги натижасида тўққизинчи беш йилликнинг ўзидагина илмий-педагогик кадрларнинг умумий салмоғида фан докторлари ва кандидатларининг сони 4,5 процент ўсди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон илмий даражага эга бўлган илмий-педагогик ходимлар сони жиҳатидан Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан олдинда бормоқда. Чунончи, Иттифоқ бўйича бу даража 28,7 процентни ташкил этса, Ўзбекистон ССР бўйича илмий даражага эга бўлган илмий-педагогик кадрлар 34,9 процентни ташкил этади, фаннинг айрим тармоқлари бўйича эса республика даражаси бундан ҳам юқоридир.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда юқори малакали фан кандидатлари ва фан докторлари тайёрлашда катта ютуқларга эришилганлигини кўрсатиб турибди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда эришилган катта ютуқлар билан бирга, бу борада жиддий камчиликлар ҳам борлигидан кўз юмаслигимиз керак. Чунки бу камчиликлар илмий кадрлардан тўғри фойдаланишга, уларни замонавий фаннинг йирик проблемаларини ишлаб чиқишга, комплекс тадқиқотларни ўртага қўйишга жалб этиш учун салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, илмий даражаси бўлган илмий педагогик кадрлар баравар тақсимланган деб бўлмайди. Кўпгина илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида юқори малакали ходимлар етишмайди. Бу жиҳатдан тармоқ институтлари ва лабораторияларининг ишини яхшиламоқ зарур. Областлардаги илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари юқори малакали илмий кадрлар билан кўнгилдагидек таъминланган эмас. Замонавий техника тармоқлари, физика-математика фанлари, ижтимоий фанларнинг методологик проблемалари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш суст бормоқда. Айниқса, юқори малакали кадрлар бўлмиш фан докторларининг етишмаслиги яққол сезилмоқда.

Фан кандидатлари тайёрлашнинг муҳим ўчоғи —аспирантурадир. Аспирантура ёшларга учтўрт йил мобайнида ўзларининг назарий ва махсус билимларини ошириш ҳамда йирик мутахассислар раҳбарлигида диссертация тайёрлаб, илмий даража олиш имконини беради. Кўпинча кандидатлик иши ёш олимнинг бундан кейинги илмий йўналишини белгилаб беради. Лекин, шунга қарамай, аспирантурага ҳар доим ҳам қобилиятли, ўз соҳасига қизиқувчи ёшлар қабул қилиняпти, диссертация ёқлаш учун ажратилган вақтдан оқилона фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бунинг натижасида эса аспирантларнинг унчалик кўп бўлмаган қисмигина диссертацияларини белгиланган муддатда ёқламоқдалар.

Айрим министрликларнинг илмий муассасаларида, олий ўқув юртларида эса диссертацияни ўз вақтида ёқлаган аспирантларнинг сони жуда кам.

Бўлажак илмий ходимлар ва ўқитувчиларда мустақил тадқиқот кўникмалари ва педагогик фаолият майли жуда суслик билан тарбияланмоқда, уларнинг ғоявий-назарий, методологик тайёргарлигига етарли даражада эътибор берилмаётир.

Юқори малакали кадрларга талабни ўрганиш уларни тарбиялаб етиштириш ва тақсимлашни перспектив планлаштириш янада яхшиланишга ва такомиллаштиришга муҳтождир.

Диссертация иши илмий даража олиш воситасигина эмас. У айни вақтда илмий изланишларни ташкил этишнинг, янги илмий кашфиётлар, назарий хулосалар, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ташкил этишнинг муҳим формаси ҳамдир.

Кўп ҳолларда раҳбарлар ҳам, кафедралар ҳам, лабораториялар ва илмий кенгашлар ҳам асосий эътиборни диссертация тайёрлашга қаратиб, бўлажак мураббий, илмий ходим, педагог ва инженер бўлган диссертантнинг ғоявий-назарий, педагогик, илмий жиҳатига, унинг маънавий дунёсига, ғоявий-назарий савиясига, ахлоқий фазилатларига етарли эътибор бермайдилар. Шундай экан, диссертация темалари раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, аспирантларга ва диссертация ёқловчиларга илмий раҳбарлик қилиш учун йирик мутахассисларни жалб этиш зарур.

Диссертация тадқиқотлари сифатини яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини оширишда раҳбарлар, кафедралар ва лабораториялар билан биргаликда институтлар ва олий ўқув юртларининг илмий даража бериш бўйича илмий кенгашлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Диссертация сифатига ва умуман, илмий-тадқиқот ишларига талабларни оширишда, илмий даража берувчи кенгашларнинг фаолиятини янада яхшилашда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестация қилишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги» қарори катта аҳамиятга эга. Бу қарорда мазкур масалададги жиддий камчиликлар очиб ташланиб, уларни бартараф этиш чоралари аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маориф министрликларининг илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида ҳамда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган илмий даража бериш кенгашлари юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш юзасидан қатта ишлар олиб бормоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикада замонавий фан-техниканинг турли соҳалари бўйича 52 кенгаш бўлиб, уларда ҳар йили 70 га яқин докторлик ва 800 дан зиёд кандидатлик диссертациялари ёқланмоқда. Кўпчилик кенгашлар ўз вазифаларини муваффақиятли бажариб, илмий ходимлар тайёрлаш даражасини таъминламоқдалар. Айрим кенгашларнинг фаолияти ва состави юксак даражада эканлигини шу фактдан ҳам кўрса бўладики, улар баъзи мутахассисликлар бўйича Ўзбекистон билан биргаликда бошқа қардош республикалар ва Иттифоқ шаҳарларидан ҳам диссертациялар қабул қилмоқдалар.

Лекин илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг бу участкасида ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг илмий-педагогик кадрларни аттестация қилиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, илмий даража берувчи кенгашлар фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги масалани махсус кўриб чиқди.

Шуниси ачинарлики, илмий даража берувчи кенгашлар ёқланаётган диссертацияларнинг мазмуни ва тематикасига етарли даражада юксак талаб қўймаётирлар, аллақачон ишлаб чиқилган масалалар юзасидан диссертациялар ёқлаш давом этмоқда, темаларни такрорлаш ҳолларига ҳотима берилганича йўқ.

Кенгашлар актуал бўлмаган, майда масалаларга бағишланган аслида эса мақола ва брошюрада баён этиш билан қифояланса бўладиган диссертацияларни ҳам ёқлашга қабул қилаётган ҳоллар кам эмас. Баъзан бориб турган кўнгирмачилик ҳоллари ҳам учраб туради. Кенгашларнинг фаолияти даражасига ва ёқланаётган диссертациялар сифатига уларнинг малакали мутахассислар билан таъминланмаганлиги, айрим олимлар эса кенгаш аъзоси бурчига баъзан юзаки қараш лари, кенгашга кўпинча келмасликлари, диссертация ишларини чуқур ўрганмасликлари, муҳокамада қатнашмаслик ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айнан ўша бир шахс бир неча кенгаш аъзоси бўлган ҳоллар ҳам учрайди.

Баъзи тақризчилар, кенгашларнинг аъзолари диссертация ишларига баҳо беришда субъектив йўл тутишлари, айниқса қатта иллат, принципсизлик деб қаралмоғи керак.

Айрим кенгашлар мунтазам ишламайди, ўз фаолиятида илмий даража бериш тартиби тўғрисидаги қўлланмани бузмоқда. Ёқланаётган диссертация темасига дахлдор бўлмаган мутахассисларни оппонент этиб тайинланиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ана шундай камчиликларнинг юз бериши натижасида республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртларининг фан докторлари ва фан кандидатлари илмий даражасини бериш тўғрисидаги бир қанча қарорлари Олий аттестация комиссияси томонидан бекор қилинди. Чунончи, сўнгги икки-уч йил ичида Олий аттестация комиссияси фаннинг турли тармоқлари бўйича республика илмий кенгашларида ёқланган айрим диссертацияларни тасдиқламади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф, Соғлиқни сақлаш министрликлари, илмий даража бериш бўйича кенгашлари бўлган олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари бу масалага лозим даражада эътибор бермаётирлар, етарли назорат қилмаётирлар. Улар бу иш билан фақат Олий аттестация комиссияси шуғулланиши керак, деб ўйламоқдалар. Диссертация темалари яхши координация қилинмаётир, уларнинг перспектив планлари тузилмаётир. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда республика министрликларининг илмий-координация ва ўқув-методик кенгашларининг ишини яхшилаш ва уларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Юз берган камчиликлар диссертация ишлари аҳамиятига етарли баҳо бермаслик натижасидир. Аслида диссертация ишлари юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий воситаси бўлиш билан бирга, илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини кенгайтиришни ташкил этишнинг, қобилиятли ёшларни ижодий, илмий фаолиятга жалб қилишнинг муҳим формасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг юқорида айтилган қарорига мувофиқ республикада фан кандидатлари ва фан докторлари тайёрлашнинг аҳволи ва илмий даража берадиган олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг кенгашлари фаолиятига алоҳида эътибор бериб, улар олдига диссертация ишлари сифатига бўлган талабни ошириш, ҳақиқатан ҳам илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган илмий асарларни ёқлашга қабул қилиш, диссертацияга баҳо бераётганда мазкур ишнинг сифати билан бирга диссертантнинг илмий-ишлаб чиқариш, ижтимоий фаолияти, аҳлоқий қиёфасини ҳам эътиборга олиш вазифасини қўйди.

Диссертация ёқланаётганда самарали ижодий мунозара, юксак талабчанлик, принципиаллик ва илмий этикани сақлаш, диссертациялар даражасига илмий-педагогик тайёргарлик ва сиёсий етуклигига қараб баҳо бериш шароитини яратиш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва республиканинг тегишли министрликлари зиммасига илмий кенгашлар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилаш, уларнинг составини мустаҳкамлаш, фаолиятига бўлган талабни ошириш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Госплани ва Фанлар академияси ҳамда министрликлар ва идораларга аспирантура орқали, шунингдек, индивидуал равишда диссертация ёқлаш йўли билан илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлашни кучайтиришни топширди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича ишларига амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилди.

Илмий кенгашларнинг фаолиятини яхшилаш, диссертация ишлари сифатини ошириш, ҳеч шубҳасиз, илмий-тадқиқотларни планлаштиришни такомиллаштиришга ҳамда уларнинг натижалари ва тавсияларини халқ хўжалигига тезроқ жорий этишга хизмат қилади.

Илмий-ташкилий ишларимизнинг ҳамма бўғинлари фаолиятини муттасил яхшилаб бориш фан-техника тараққиётини тезлаштириш, уларнинг фаолиятидаги турли томонларнинг самарадорлигини оширишнинг замонамиз вазифалари даражасида ўз вақтида ҳал этишга ёрдам беради. Зотан партиямиз XXIV съезди коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажаришда ана шу жиҳатларга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор бермоқда.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми пахта тозалаш саноатини ривожлантиришдаги хизматлари, фан ва техника муваффақиятларини жорий этишда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Тошкент область пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси Тоир Умарович Отаметовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар, самарали ишлаганлиги, граждан авиацияси 243-заводининг самолёт-ремонт корпуси қурилишида ва юксак малакали монтажчилар тайёрлашда актив қатнашганлиги учун «Средазтрансстрой»га қарашли 206-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи Николай Степанович Черкесенкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ҳошим Аҳмедович Саидаҳмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвонини берди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган республикамиз саноат корхоналарининг ишчилари беш йиллик топшириқларини барвақт ва ошириб бажаришга киришдилар. Суратларда: (юқоридан) Янгийўлдаги болалар пойафзали фабрикасининг пешқадам ишчиси Нуриддин Абдураимов, Тошкент трактор заводининг зарбдор ишчиси коммунист Лира Бочкарёва, «Ўзбексельмаш» заводи асбобсозлик цехининг илғор фрезерчиси Юрий Иляхин.

А. Тўраев фотолари.

ЮКСАК МАРРАЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ КОРХОНАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутун совет халқи сингари пойтахт авиация корхонасининг ходимлари ҳам КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида асосий кўрсаткич—участка пассажир обороти бўйича 1974 йил плани муддатидан илгари, 24 декабрда бажарилди. Пландан ташқари 46 миллион пассажир-километр унилиб, 33 минг пассажир ташилди.

Авиация корхоналарининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларидан руҳланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга, учишнинг тўла хавфсизлиги ва мунтазамлигини таъминлашга қатъий аҳд қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга совет халқига Мурожаатига ҳамда «1975 йил халқ хўжалик плани муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига жавобан ҳамда Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллигини муносиб нишонлашга интилиб, биз, Тошкент авиация корхонасининг ходимлари ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, янги техникани ўзлаштириш, юксак коммерция кўрсаткичларига эга бўлган ҳолда учиш соатларини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига йиллик плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарамиз. Юк ташиш ҳажмини 1974 йилдагига нисбатан участка пассажир обороти бўйича 5,3 процент, пассажирлар жўнатишни 5 процент кўпайтирамиз ва 117 минг кишига етказамиз.

Пассажир ўринларининг банд бўлишини 0,5 процент кўпайтириш ва рейсдаги «ИЛ-62», «АН-24» самолётларида учишни 1 процент, «ЯК-40» самолётида 0,6 процент кўпайтириб, пландан ташқари 14 миллион пассажир-километр учишни, 30 минг пассажир ташишни, қўшимча равишда 230 минг сўм даромад қилишишни таъминлаймиз.

Меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 0,5 процент кўпайтирамиз, Юк ташиш ҳажмини ўстиришнинг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришамиз, 4 минг тонна ёнилғи-мойлаш материалларини, 200 минг киловатт-соат электр энергияни тежаймиз, фойдаланиш чиқимларини 200 минг сўм камайтирамиз.

«ИЛ-62» самолётидан учишда фойдаланишни ва уларга техника хизмати кўрсатишни тўла ўзлаштириб, механизациялаш базасининг биринчи навбатини ишга соламиз, самолётларни қўндиришнинг ярим автомат ситемасини реконструкция қиламиз.

Ҳар йили шартли равишда камида 180 минг сўм иқтисодий самара берадиган камида 240 та рационализаторлик таклифларини жорий этамиз.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисида партиянинг ғамхўрлигини қувватлаб авиация корхонаси коллективи Жиззах областидаги 30 совхозга оталиқ ёрдамини кучайтириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Тошкент авиация корхонаси коллективи Ўзбекистон авиаторларини беш йилликнинг якунловчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун ёппасига социалистик мусобақани кучайтиришга чақиради. Бутун тажрибамиз, куч ва билимимизни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун сафарбар қиламиз, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига ваъда берамиз.

Социалистик мажбуриятлар Тошкент авиация корхонаси авиабўлинмалари ҳамда партия—хўжалик активи йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

*

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ, ҚУВА РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ МЕҲНАТЧИЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Колхозимиз дон ва сут етиштириш юзасидан беш йиллик планни муддатдан илгари бажарди. Давлатга беш йиллик пландан ташқари 304 тонна ғалла, 314 тонна сут ва 28 минг дона тухум топширди.

1974 йилда сув камчил бўлганлиги ва оғир об-ҳаво шароитининг юз берганлигига қарамай, планда белгиланган 6259 тонна ўрнига давлатга 8050 тонна пахта топширилди. 2000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,3 центнер «оқ олтин» териб олинди.

Жамоат ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида рентабелликка эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилишдан 6 миллион сўм даромад олинди.

«Коммунизм» колхозининг коллективи КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини муҳокама қилиб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— 1975 йилда 9 минг тонна, шу жумладан 3,2 минг тонна юқори репродукцияли уруғлик пахта етиштирамиз ва давлатга сотамиз, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 45 центнергача етказамиз;

— ғалла етиштиришни 1974 йилдагига нисбатан 2 баравар кўпайтирамиз. Ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони, 55 центнердан шоли йиғиштириб оламиз;

— ўтган йиллардаги бедапоялар нинг ҳар гектаридан 160 центнергача пичан ҳосили етиштирамиз, гектар бошига 700 центнердан маккажўхори кўк пояси ва хашаки лавлаги йиғиштириб оламиз;

— келгуси йил чорва қишловига 3600 тонна дағал хашак, 4500 тонна силос, 1500 тонна сенаж ва 170 тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Чорвачилик биноларини ремонт қилишни 1 сентябргача тугаллаймиз;

— 960 тонна сут, 220 тонна гўшт, 140 минг дона тухум ва 71 центнер жун етиштирамиз. Бу эса, ўтган йил планидан ва топширилларнинг ҳақиқий бажарилишидан тегишли суратда 15—21 процент кўпдир. Давлатга 1974 йилдагига нисбатан 20 процент кўп гўшт, жун, сут ва тухум сотамиз;

— ҳар бир сигирдан планда белгиланган 1850 килограмм ўрнига сермойлиги 4 процент бўлган 3000 килограммгача сут согиб оламиз. Ҳар бош қора молнинг гўштга топширилади ган ўртача вазнини 500 килограммгача, ҳар бир қўйдан қиркиб олинадиган жун миқдорини 2,1 килограммгача етказамиз, ҳар бир товуқдан олинадиган тухумни 150 донага етказамиз. Ҳар юз бош сигирдан 100 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи оламиз;

— 1150 кути қурт уруғини боқиб, ҳар кути қурт уруғидан 70,4 килограммдан пилла оламиз ва давлатга 81 тонна ана шундай қимматли хом ашё сотамиз;

— кўкламги дала ишлари учун зарур техникани тайёрлашни февраль ойининг биринчи ўн кунлигида тугаллаймиз. Чорва қишловини намунали ўтказамиз.

«Коммунизм» колхозининг коллективи хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашини янада кучайтиради, меҳнат унумдорлигини тез ҳам оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга эришади.

Ушбу мажбуриятлар «Коммунизм» колхози коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб қабул қилинган.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ, ПАХТАКОР РАЙОНИДАГИ КИЧАНОВ НОМЛИ СОВХОЗ КОМПЛЕКС-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН БРИГАДАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати билан ғоят қизиқиб танишиб, ўтган йилги иш натижаларини яна бир карра синчиклаб таҳлил қилдилар, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ишга солса бўладиган резервлар тўғрисида ўйлаб кўрдилар.

Бўлтур бизнинг бригадамиз ўзининг бутун состави билан қолоқ участкага ўтиб ишлай бошлади. 115 гектар ерда пахта етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик пландаги 22 центнер ўрнига 55,3 центнерга кўтарилди. Бригада давлатга 633 тонна пахта топширди. Ҳосилнинг ҳаммаси пахта териш машиналарида йиғиштириб олиниди. Ҳар центнер пахтанинг таннархи пландаги 33 сўм ўрнига 22 сўм 60 тийинга тушди.

Биз КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига конкрет ишлар билан жавоб беришга интилиб, ўзимизнинг ҳамма имкониятларимизни чамалаб кўрдик, ички резервларни ўргандик ва ишимиздаги конкрет мерораларни белгилаб олдик. Бу йил бригадамизнинг 12 аъзоси 210 гектар ерда пахта етиштиради. Шунга қарамай бригада гектаридан 50 центнер пахта олиб, мамлакатга 1.100 тонна «оқ олтин» сотишга—ҳар бир ишловчи ҳисобига 83 тоннадан пахта етиштиришга қарор берди. Шунча миқдордаги пахта етиштиришни биз бригададаги ишловчиларни кўпайтирмай туриб таъминлаймиз. Ҳосилнинг ҳаммасини пахта териш машиналарида йиғиштириб оламиз. Ҳозир коллективнинг 9 аъзоси кенг профилдаги механизаторлардир. Эндиликда экинзорлар кенгайиши билан бизда бир механизатор кўпаяди. Унга механизаторлик касбини ўзимиз ўргатамиз.

Биз дала ишлари ҳамма турларининг юксак сифатли бўлишига эришамиз, биз техникани чигит экишга шай қилиб қўйдик.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг 1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, биз камрок чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ, маҳсулот берамиз! — деган шиор остида меҳнат қиламиз.

Халол, зарбдор меҳнат қилиб, Ватанимиз бойлигини кўпайтиришга кўмаклаша берамиз.

Бригада аъзоларининг топшириғи ва биноан — Жиззах область, Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз комплекс-механизациялашган бригадасининг раҳбари Аҳмаджон Валиев.

БИРИНЧИ РЕВОЛЮЦИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалида мана шу январь кунларида экскурсияга келувчиларнинг кўпайганлиги кўзга яққол ташланиб қолди. Ўзбекистон ишчилари ва хизматчилари, ўқувчилари, кўпдан-кўп шаҳарлар ва қишлоқлардан ҳамда бошқа республикалардан келган меҳмонлар Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик Давлат бунёдкорининг ҳаёт йўлини акс эттирувчи ҳужжатларни иштиёқ билан кўздан кечирмоқдалар. Улар барча совет кишилари 70 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган 1905—1907 йиллардаги революция га бағишланган залда узоқ вакт тўхталиб қоладилар.

Музей ходимлари ана шу экспозицияни барпо этиш учун катта ва машаққатли қидириш ишларини олиб бордилар. Мамлакатда революциянинг ривожланишини ҳар тарафлама ёритиб берадиган материаллар, шунингдек Россиядаги биринчи революцияда Туркистон ўлкаси меҳнаткашларининг иштироки тўғрисидаги нодир ҳужжатлар кўзга яққол кўриниб турадиган жойга қўйилган.

Экскурсантлар тарихий воқеалар арафасида революцион ҳаракатнинг ривожланиши тўғрисидаги ҳикояни диқат-эътибор билан тингладилар. Туркистонда Ленин асарлари тарқалаётганлиги тўғрисида, РСДРПнинг II съезди иши тўғрисида хабарларни маълум қилувчи варақалар Тошкент ўрта мактаблар гимназиясида топилганлиги ҳақида полиция жосусларининг вахимали хабарлари стендларга қўйилган.

Ўнлаб варақалар, газеталардан қирқиб олинган хабарлар ва бошқа экспонатлар Туркистон пролетариати ва маҳаллий гарнизонларнинг революцион кайфиятдаги солдатлари самодержавиега қарши, ижтимоий ва миллий зулмга қарши жанговарлик билан майдонга чиққанликлари тўғрисида, уларнинг бу кураши Питер, Москва ва мамлакат марказий районларининг бошқа шаҳарларидаги ишчилар коллективлари ва ҳарбий қисмларининг кураши билан қўшилиб кетганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Мана «Самарқанд» газетаси. Бу газета синфий жанглар авж олиб бораётганлиги ҳақида хабар қилиб самодержавиенинг чириб, путури кетаётганлигини фош этади. РСДРП Тошкент группасининг варақалари ойна остида аваллар қўйилган. Бу варақалар эксплуататорларга қарши ишчиларни кескин курашга даъват этган.

Бутун Туркистон ўлкасини ларзага солган, ўз қучоғига Тошкент, Самарқанд, Қўқон ишчиларинигина эмас, балки аҳолининг барча табақаларини, шу жумладан деҳқонларни ҳам тортган воқеаларнинг солномаси музей экспозициясида ўша йил воқеаларини қадамба-қадам акс эттиради. Витриналар оммавий стачкалар, сиёсий намойишлар, митинглар тўғрисида ҳикоя қилади. Витриналардан бирининг тепасига жойлаштирилган суратда солиқ тўплаш пайтида деҳқонлар билан жандармлар ўртасидаги тўқнашув тасвирланган. Унинг ёнгинасида 1905 йилнинг ноябрь ойида Тошкент ҳарбий қалъасида бўлиб ўтган солдатлар кўзғолонига доир материаллар қўйилган. Ана шу исён қатнашчиларидан вахшийларча ўч олинганлиги тўғрисидаги хабар маълум бўлгач, бутун ўлка бўйлаб халқнинг қаҳр-ғазаби дахшатли пўртанадек авж олиб кетди. 1905 йил ноябрида РСДРПнинг Тошкент группаси чиқарган варақада бундай дейилади: «Бизлар пулеметларга ва тўпларга ўзимизнинг уюшқоқлигимизни, ўзимизнинг қуролимизни қарши қилиб кўямиз. Қалъада генераллар томонидан қилинган қонли тунги базмда юзлаб ва минглаб ўртоқларимизнинг юрагидан: «Исён кўтарамиз!» деган дахшатли сўз отилиб чиқди». Мана ўша унутилмас кунларда олинган фотографиялар. Бу суратларда Тошкент меҳнаткашларининг кўп минг кишилик намойиши тасвирланган.

Генераллар билан жандармларнинг вахшийларча ўч олишлари большевиклар раҳбарлик қилган Туркистон революционерларини чўчита олмади. Тошкентда ўша вақтда нашр этилган ва экспозицияга киритилган бошқа бир варақада бундай дейилади: «Катта ва кичик амалдорлар, озодлик жаллодлари шуни билиб қўйишсинки, биродарларимиз-ўртоқларимиз томонидан озодликка эришиш йўлида тўкилган қон бизнинг сафларимизни янада жипслаштиради, полициячиларнинг муштумлари Улуғ Россия революциясини бўғиб ташлай олмайди, енга олмайди».

Музей экскурсантларнинг эътиборларини яхшироқ қондириш мақсадида Россияда биринчи революция тўғрисида, бу революцияда Туркистон меҳнаткашларининг иштироки ҳақида бир қанча тематик лекцияларни ташкил этди. Тажрибали лекторлар Ленин ёдгорлиги залида бевосита лекция ўқимоқдалар, ўзларининг ҳикояларини ҳужжатлар билан намойиш қилиб кўрсатмоқдалар. Кейинги кунларда В. И. Ленин номли Давлат университетининг студентлари, қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти, Низомий номли педагогика институти, Тошкентдаги бошқа олий ўқув юртлари, бир қанча техникумларнинг студентлари ана шундай лекцияларни тингладилар.

Г. ЛИПШИЦ,
ЎзТАГ мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЧОРВА

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ТОШЛОҚ РАЙОНИДАГИ «ОҚ ОЛТИН» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ А. ЭГАМБЕРДИЕВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати барча қасб эгалари сингари биз колхозчи-деҳқонлар учун ҳам жанговар программадир. Партия айтгани — халқ айтгани, халқ ғамини еб айтгани! Коммунистик партия ҳаммамизни жонбозлик кўрсатиб ишлашга, тўқкизинчи беш йилликнинг сўнгги босқичини катта меҳнат ғалабалари билан якунлашга ундаяпти. Колхозимиз аъзолари бунга «лаббай» деб жавоб бермоқдалар.

Янги, 1975 йил КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўқкизинчи беш йиллик вазифаларини тўла-тўкис бажаришимиз лозим бўлган йилдир, дейилади Мурожаатда. Биз колхозчи-деҳқонлар шуни яхши биламизки, якунловчи йилда астойдил меҳнат қилсак, пахта, дон, маккажўхори, шоли, сут, гўшт, пилла, тухум ва бошқа маҳсулотларни ҳар қачонгидан кўп тайёрласак, навбатдаги ўнинчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун, партиянинг узоқ муддатли социал-иқтисодий сиёсатини юзага чиқариш учун мустаҳкам замин яратилади. Бунинг учун қўлимиздан келган, амалга ошириш мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёрмиз.

Мурожаатда жонкуярлик билан меҳнат қилиш, социалистик мусобақани кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас. Якунловчи йилнинг юки жуда оғир. Лекин ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ҳаракат қилсак, оғир юкни дадил кўтариб, манзилга тезроқ етишимиз мумкин. Колхозимиз аъзолари Мурожаат матбуотда босилган куни ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Якунловчи йилнинг дастлабки тўрт кунидаёқ йиллик гўшт тайёрлаш планини бажардик, давлатга 120 тонна бўрдоқи ва сўким гўшти етказиб бердик.

Аммо бу чегара эмас. Гўшт тайёрлашда ҳали катта муваффақиятларга эришишимиз мумкин. Мурожаат муҳокамаси давомида шундай қарорга келдик: якунловчи йилнинг биринчи ярмида ҳалқимизга яна 40 тонна гўшт етказиб бериб, ялпи кўрсаткични 160 тоннага етказамиз. Шундан кейин ўнинчи беш йилликнинг биринчи даврасида гўштга топшириладиган чорва молларини боқувга қўямиз.

Биздан йиллик гўшт тайёрлаш планини тез ва соз бажаришимиз сирларини сўрашади. Сир—меҳнатдан қочмаслик, тадбиркорлик билан иш тутишдир. Колхозимиз чорвадорлари ўз касбининг устаси бўлиб қолдилар. Улар кўп, арзон маҳсулотлар етиштириш учун курашадилар, айни кезда камроқ маблағ сарфлашга ҳаракат қиладилар. Бу таннархнинг камайтирилиши, рентабеллиликнинг кўтарилиши, соф фойданинг кўпайиши демакдир. Бир мисол, ўтган йили ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 350 килограммга етганда гўштга топширилган эди. Янги йилда 465 килограммдан тош босадиган қорамолларни гўштга топширдик. Чорва молларни бўрдоқи ва сўқимга боқиш гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

Колхозчи деҳқонларимиз Мурожаатда баён этилган фикрларни тўла маъқулламоқдалар, айни кезда унга амалий иш билан жавоб бериш чораларини кўрмоқдалар. Бу чоралар нималардан иборат деган савол туғилади. Аввало, пахта етиштиришни кўпайтирамиз, қолаверса, чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтарамиз ва ниҳоят, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаймиз. Кўзлаган мақсадимизга эришиш учун ишда умумийликдан қочиб, конкретликка ёндашамиз. Конкретлик эса рақамларда ўз ифодасини топади.

Ўтган йили 1.235 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 35,7 центнердан пахта хирмони кўтариб, социалистик мажбуриятимизни ҳам ошириб адо этдик. 1975 йилда ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказамиз давлатга 5120 тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Мурожаатга биринчи амалий жавобимиз шу бўлади.

Кўзда тутилган пахтани олиш учун нималар қилинади? Зовурлардан чиққан тупроқ текисланди, уватлар тугатилди, дарахтларнинг остида бекор ётган ерлар экинзорларга қўшилди. Шу йўл билан пахта майдонини 20 гектар кенгайтирдик. Мурожаатда экин майдонларини муттасил кенгайтириш боришга даъват этилади. Колхозимиз территориясида янгидан ўзлаштириладиган ерлар йўқ. Лекин шундай деб умидсизлик билан қараб ўтирмадик. Марказий Фарғона ерларидан 115 гектарини ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдик. Яна бошқа резераларни қидириб топамиз ва ишга туширамиз. Шундай қилиб, пахтанинг ялпи тоннасини кўпайтиришга мустаҳкам замин яратмоқдамиз.

Ҳосилдорликни оширишни бош вазифа қилиб қўйдик. Яқингача колхозимиз бўйича гектаридан зўрга 30 центнердан ҳосил олинар эди. Эндиликда, юқорида айтилганидек, ҳосилдорлик деярли 36 центнерга кўтарилди, 40 центнерлик марра кўзланмоқда. Бундай муваффақиятга ихтисослаштириш йўлидан бориб эришяпмиз, ирригация-мелиорация ишларини кучайтириб, тупроқ унумдорлигини оширяпмиз, минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланилиши ҳосилдорликни кўтаришда муҳим омил бўляпти. Энг муҳими — механизация пахтачилигимизнинг таркибий қисмига айланди. Ер, сув, ўғит, техника, ирригация-мелиорациядан фан ютуклари, илғорлар тажрибаси асосида фойдаланилгани туфайли сув камоб бўлган йилларда ҳам пахтадан юқори ҳосил олмоқдамиз.

Техника воситаларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Колхозимизда 300 тадан зиёд трактор, универсал ва бошқа механизмлар бор. Уларни кўз қорачиғидек асраш билан қувватдан фойдаланишни яхшиламоқдамиз. Колхозимиз ўтган йили пахта тайёрлаш давлат плани ва социалистик мажбуриятини шараф билан бажарган экан, бунда теримни машиналаштириш катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ҳар бир терим машинасининг мевсумдаги иш унуми 100 тоннадан ошиб кетди. Яқинда ҳамма қулайликларга эга бўлган, барча маркадаги тракторлар, механизм ва агрегатларни йилнинг тўрт фаслида ҳам намунали ҳолда сақлашга мўлжалланган автотрактор парки-ни қуриб, фойдаланишга топширдик. Энди техника воситаларининг «умрини» узайтириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Якунловчи йилда ҳар бир техника воситасининг қувватидан фойдаланиш коэффициентини ўтган йилдагидан камида 20-25 процент оширамиз. Бу ҳам Мурожаатга жавобимиздир.

1975 йил — синов йилидир. Ҳар биримиз пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга қўшган ҳиссамиз билан синовдан ўтамиз. Баҳор яқинлашиб қолди. Кўкламга тайёргарлик ишларимизни қайта-қайта кўздан кечирмоғимиз, кемтик жойларини тўлдирмоғимиз, камчиликларни тугатмоғимиз керак. Биз пахта майдонларимизни ўғитлаб, чуқур шудгорлаб қўйдик. Маҳаллий ўғит тўплашни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ариқ-зовурларнинг бир қисми тозаланиб бўлинди. Механизаторларимиз тракторлар ва механизмларни ремонт қилмоқдалар. Колхозчиларимизни агрозоотехника курсларида ўқитмоқдамиз. Кадрларимизни танлаб, жойжойига қўйиб бўлдик. Давлатдан ажратилган минерал ўғитларни ташиб оляпмиз.

Шу кунларда чорвадорларимиз долзарб кунларни бошдан кечирмоқдалар. Чорва қишлови яхши ўтказилмоқда. Сигир согувчиларимиз, молбоқарларимиз меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Ўтган йили ҳар бош сигирдан 3.700 литрдан сут согиб олинган эди, бу йил камида 4.000 литрдан сут согиб олинишини таъминлаймиз.

Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат деб бежиз айтмаганлар. Ҳалқимиз астойдил меҳнат қилиб, кўп ва юқори ҳосил етиштирмоқда. Натижада колхозимизнинг ялпи, колхозчиларимизнинг шахсий даромади кўпаймоқда. Ўтган йили фақат чорвачиликдан 1 миллион 200 минг сўм даромад, шу жумладан, 200 минг сўм соф фойда олдик. Бу йил чорвачилик даромадини бир ярим миллион сўмга етказамиз.

1975 йилдаги бутун фаолиятимизни Мурожаат асосида ташкил этамиз, барча тармоқлар бўйича маҳсулот етиштиришда янги ғалабаларга эришамиз.

ВЕТЕРАНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Норин райпо социал-таъминот бўлимининг мудири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. Абдуллаевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда 1067 нафар уруш ва меҳнат ветеранининг ойлик пенсия миқдори ўртача 25—50 процент кўпайган. СССР Олий Совети Президиумининг нивалидлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг пенсияси миқдорини ошириш ҳақидаги Фармони қаётга татбиқ этилганлиги туфайли ана шу кишилар янги имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Биз яқинда район социал-таъминот бўлимида айрим пенсионерлар билан суҳбатлашдик:

— Мен жонажон партия ва ҳукуматимизнинг биз, собиқ жангчиларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигидан кўп қатори жуда мамнунман, — дейди «Пахтакор» колхозида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, биринчи группа нивалиди Абдулим ака Алимов. Шу куни А. Алимов район социал таъминот бўлимининг бош инспектори Қосимжон Жўраевдан пенсияси 80 сўмдан 120 сўмга кўпайганлиги тўғрисидаги зарур ҳужжатларни қувона-қувона олди. Янги имтиёзлардан ҳаққулободлик И. М. Кузнецов, «Победа» колхозидан Д. Рўзиматов, «СССР 50 йиллиги» колхозидан И. Фозилов каби пенсионерлар ҳам гоят мамнун.

О. МУСАЕВ,
Наманган область Норин районы.

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИ ЙЎҚЛАМАСИ

УЛКАН ИНШООТ ҚУРИЛИШИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ

●

КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилган йирик гидроиншоотлардан бири — Туямўйин гидроузелини жадал суръатлар билан қуриш ва ишга туширишнинг зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Улкан иншоотнинг ишга тушиши Амударёнинг қуйи қисмида сув танқислигига барҳам беради. Воҳада суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришнинг кенг уфқларини очади.

Туямўйин гидроиншооти комплексига қирадиган сув омбори ўз бағрига 7,2 миллиард куб метр об-ҳаёт тўплайди. Бу сунъий денгиз Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССР Тошовуз области территорияларида бир миллион гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини кескин яхшилайди. Қўшимча 500 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш имконини беради. Гидроузел комплекси яна қўпгина иншоотларни, жумладан: баландлиги 34 метр бўлган бетон, узунлиги 550, баландлиги 28 метрли тупроқ тўғонларини, кемалар қатнайдиган шлюз, 150 минг киловатт қувватли электр станция, ўнг ва чап қирғоқ магистрал каналларини ҳамда бошқа қатор объектларни ўз ичига олади.

Гидроузел қурилиши бошланганидан бўён беш йил вақт ўтди. Бу давр ичида анча ишлар амалга оширилди. 61,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 49,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қурилишнинг саноат ишлаб чиқариш базаси комплекси барпо қилинмоқда. Инлига 300 минг куб метр бетон тайёрлаб берадиган бетон заводи эса барвақт ишга туширилди. Арматура цехи, энергетика хўжалиги базаси, темир йўл станцияси фойдаланишга топширилди. Саноат базасининг ишлаб чиқариш системаси, автобаза, компрессор станцияси, цемент омбори, моддий-техника таъминоти базаси ва бошқа объектлар қурилиши поёнига етказилмоқда.

Шаҳар типидаги қурувчилар поселкаси қад кўтаряпти. Қурилиш бошланганидан буён 69,4 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Клуб, мактаб, болалар боғчалари, касалхона, ошхоналар, кинотеатр, магазин ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилди.

Зарбдор иншоот қурилишида 3 мингдан ортиқ киши қўлиқўлга бериб меҳнат қилаётир. Бунёдкорлик жасорати, халқлар дўстлигининг илҳомбахш қудрати қурилиш майдонларида яқ-қол намоён бўляпти. Мамлакатнинг яқин-йироқларидан қалб амри билан умумхалқ қурилишига келган азаматлар ёшлик ғайрати ва юрак ҳароратини дўстлик иншоотини бунёд этишга бағишламоқдалар.

Искандар Юсупов бошчилик қилаётган 3-қурилиш-монтаж бошқармаси социалистик мусобақада ғолибликни қўлга сақлаб келаётир. Бошқарма коллективи ўтган йили планда белгиланган 3 миллион 896 минг сўмлик ўрнига 4 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Якунловчи йилда муқобил план асосида ишлаш, 5 миллион 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Қадам Ражабов, Нурмат Иўлдошев бошлиқ бригадаларнинг бетончилари, Самандар Искандаров бошлиқ комплекс бригада қурувчилари ҳозир ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишлаётирлар. Туямўйин қаҳрамонлари тўғрисида фахрланиб гапириш мумкин. Улар экскаватор машинистларидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Искандар Оллаёров, Митҳад Ўрозбахтин, бетончилардан Саёди Неизвестний, Ражаб Давлатёров, Федор Матвеев, электр пайвандчилардан Самижон Пўлатов, Иван Сергеев сингари олияҳоб ёшлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Туямўйин гидроузели қурилишида бош пудратчилик вазифаси Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги зиммасига юклатилган. Кейинги даврда бу ерда қурилиш ишлари суръатини жадаллаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Аммо, ишда ҳали жиддий нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Очиғини айтганда, республика партия ва ҳукумати қарорида илгари сурилган вазифалар ҳали тўла амалга оширилмаётир, қурилишда ҳукм сўраётган камчиликларни бартараф этишда тўла изчиллик, тадбиркорлик, ташаббус ва ташкилотчилик етишмаяпти.

Гидроузел қурилишининг суръати беш йиллик план-топшириқларидан кейинда қолмоқда. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида планда белгиланган капитал маблағдан 17,3 миллион сўм кам ўзлаштирилди. Қурилиш-монтаж ишлаб чиқаришда эса 14,4 миллион сўмлик иш бажарилмасдан қолди. Ўтган йили қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 1973 йилдагига нисбатан 3 миллион сўм кам бўлди, планда кўзда тутилганидан 6,9 миллион сўмлик оз иш бажарилди. Натижада белгиловчи йилда асосий иншоотларга 120 минг куб метр ўрнига атиги 30 минг куб метр бетон ётқизилди.

Ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилмаётганига сабаб нима? Объектларда бўлиб, ишлаб чиқаришнинг аҳволи, ишнинг ташкил этилиши билан танишганимизда, қатор жиддий нуқсонларга дуч келдик. Мавжуд механизмлардан ва қувватлардан тўла фойдаланилмаётир. Ҳар хил сабабларга кўра техника ва транспорт воситаларининг бекор туриб қолиш ҳоллари учраб турибди. Қурилиш материаллари таъминотида узилишлар бўляпти. Малакали мутахассислар етишмаётганидан илғор технология ишлаб чиқаришга суст жорий этилаётир.

— Гидроузел котлованидан 5,6 миллион куб метр тупроқ қазиб чиқарилиб, бу иш ниҳоясига етказилганига бир йил бўлди. Ўтган йили 80 минг куб метр ўрнига 20 минг куб метр бетон қуйилибди. Бунга сабаб нима?

1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Андрюшенко саволимизга шундай жавоб қайтарди:

— Тўғри, бошқармамиз котлованга бетон ётқизиш планининг тўртдан бир қисмини ҳам аранг бажарди. Чунки, биз бетон ётқизишга ҳали тайёр эмас эдик. Бунинг устига ҳозир ҳам ишимиз юришмай турибди...

Қизиқ план белгиланган пайтда наҳотки, қурилишдаги реал имкониятлар ҳисобга олинмаган бўлса! Бошлиқнинг сўзларига қараганда, объектда бетончи, арматурачи, монтажчи ва кранчилар ҳали ҳам етишмайди. Бунинг устига малакали бинокорлар тайёрлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилинмаётир, қурувчиларнинг қўнимсизлиги давом этмоқда.

Объектларда белгиланган план-топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши саноат базасининг ишига, қурилиш материалларининг узлуксиз етказиб берилишига боғлиқ. Афсуски, бу корхоналар бир меъёрда ишламаётир. Бетон заводи ишида якунловчи йил январь ойининг дастлабки кунларидаёқ тез-тез узилишлар бўляпти. Баъзан иш бутунлай тўхтаб қолган кунлар ҳам йўқ эмас. Катта мастер Б. Ҳасанов бу ҳолга эҳтиёт қисмлар етишмаслигини важ қилиб кўрсатди. Директор Б. Абдураҳимов эса эҳтиёт қисмлар учун буюртма берилган-берилмаганлигидан бе-хабар. Заводга слесарь, оператор ва етарли миқдорда электриклар керак. Бироқ, бу масалани ҳал этишда ҳам сансоларлик ҳукм сурмоқда. Сарноснё, Жума карьерларидан қум-шағал ташиб келтиришда кечикишларга йўл қўйиляпти. Натижада бетон заводининг бир меъёрда ишлаши таъминланмаётир.

«Союзузбекгаз» трести ва Ўрта Осиё магистрал қувури бошқармаси газ етказиб бериш тармоғини ишга туширишни тезлатиш тадбирларини кўришлари керак. Қурувчилар посёлкасини ва гидроузел саноат базасини газ билан таъминлаш, иситиш системалари, канализация ва водопровод тармоқларининг нормал ишлашига эришиш лозим.

Яқинда қурилишга бош пудратчи ташкилот вакили — республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков келди. У нуқсонлар, етишмовчиликлар ва уларнинг сабаблари билан танишиб қайтди. Ўйлаймизки, қисқа фурсат ичида улкан қурилиш ишидаги аҳвол ўзгаради; йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратилган амалий тадбирлар кўрилади, қурилиш ишида бурилиш бўлади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети улкан иншоот қурилишини тезлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишга астойдил киришиш зарур. Улар гидроузел қурувчиларини якунловчи йил социалистик мусобақасини авж олдиришга ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
Б. ХОДИМЕТОВ,
Ўзбекистон телевидениесининг махсус мухбири.

(Рейд материали ҳақидаги кўрсатувларни бугун Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси орқали соат 20 да кўришингиз мумкин).

ПЛАНЕТАМИЗДА

Вьетнам Демократик Республикасининг юз минглаб ишчилари транспорт йўллари ва кўприкларни тиклаш ҳамда қуриш ишларига жалб қилинган. Қурувчилар коллективининг кўпчилиги ўтган йил план-топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Суратда Ханойдаги темир йўл вокзали йўлларини реконструкция қилиш тасвирланган.

ВИА—ТАСС фотоси.

АҚШ ҲУКМРОН ДОИРАЛАРИНИНГ ТАҲДИДИГА ҚАРШИ

Америка Қўшма Штатлари ҳукмрон доираларининг нефтни экспорт қилувчи араб мамлакатларига қарши таҳдиди ҳамон халқаро жамоатчилик қатъий норозилигини туғдирмоқда.

◆ ПАРИЖ. Франция телевидениеси декабрь ойида Урта денгизда денгиз пиёда аскарлари иштирокида Американинг ҳарбий машқлари ўтказилганлиги ҳақида хабар беради. Бу машқлардан мақсад «Нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларга бостириб кириш тайёрланишдан иборат. Телеэшиттиришда АҚШ 6-флоти қўмондони адмирал Тэрнернинг «Биз бостириб кириш тайёрмиз» деган сўзлари келтирилди.

◆ ҚОҲИРА. «Ал жумҳурия» газетаси «Америка ва ваҳшиёна қонунлар» сарлавҳали мақоласида Американинг Араб мамлакатларига қилаётган дўқ-пўписасини кескин танқид қилди. Бу дўқ-пўписалар «АҚШ империалистик сиёсатининг чуқур илдизларини очиб кўрсатганлигини» таъкидлади. Бу фақат араб мамлакатларига қилинган таҳдидгина бўлиб қолмай, балки халқаро ҳуқуққа тажовуз қилиш ҳамдир.

Лекин араблар ўз мамлакатларини ҳимоя қилишга қодир, дейилади мақолада. Улар қуйидаги омилларни назарда тутишлари керак:

Биринчидан, революцион позициялардан воз кечан ҳолда АҚШни ўз томонига жалб этиш мумкин, деб фараз қилувчилар чуқур янглишадилар. Ахир Американинг таҳдиди прогрессив араб мамлакатларигагина эмас, шунингдек яқин вақтларгача АҚШнинг энг қалин дўстлари деб ҳисобланган мамлакатларга ҳам қарши қаратилгандир.

Иккинчидан, араб мамлакатлари учун араб революцион режимлари эмас, балки Америка империализми энг катта хавф туғдириб турибди.

Учинчидан, Исроилга бевосита қарши турган мамлакатларни мустаҳкамлаш чорасини кўриш керак, чунки, бу мамлакатлар ўз манфаатларинигина эмас, балки барча араб давлатларининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

(ТАСС).

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

КАНБЕРРА, 14 январь. (ТАСС). Шу кунларда Австралия матбуоти Австралия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқаларга катта эътибор бермоқда. Газеталарда Австралия бош министри Г. Уитлемнинг Ленинградда бўлган дастлабки кунлари кенг ёритилмоқда.

«Острэлиан» газетаси Австралия ҳукумати бошлиғининг ҳар иккала давлат ўртасидаги дипломатия муносабатлари тарихида СССРга қилган мана шу биринчи визити улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришда ижобий роль ўйнаши керак, деб ёзади.

Кейинги бир-иккі йил ичида, деб ўқтириб ўтади Австралия матбуоти, илмий-техникавий алоқалар анча кенгайди. Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ўтган йил февраль ойида Канберрада имзоланган битим бунга кўп жиҳатдан имкон берди. Мазкур битим ҳар иккала мамлакатнинг олимлари ва мутахассислари ўртасида алоқаларни янада кучайтиришни кўзда тутади.

Отган йили СССРдан Австралияга бир қанча делегациялар келди. Бу делегациялар составида олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари бор эди. Ўз навбатида Австралия олимлари, савдо-саноат доираларининг намояндалари, артистлари, спортчилари ҳам Совет Иттифоқида бўлдилар.

Савдо-иқтисодий соҳада ўзаро фойдали ҳамкорликнинг кенгайиши, илмий ва маданий соҳада алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мувофиқ бўлиб тушади, деб таъкидлайди Австралия газеталари.

ЕР ҚИМИРЛАЯПТИ

ИСЛОМОБОД, 14 январь. (ТАСС). Покистоннинг Свот тоғлик районидаги Бешам қишлоғининг аҳолиси яна уч марта кучли ер қимирлашини бошдан кечирди. Бешам Покистон тарихида энг кучли зилзила маркази бўлмиш Паттан қишлоғидан атиги 26 миль нарида жойлашган. Янги йил арафасида Паттанда бўлган зилзила натижасида 5 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлганди. Граждан маъмурияти ва ҳарбий қисмлар зилзила қурбонларига ёрдам кўрсатиш чораларини кўряптилар. Бешам — Паттан автомобиль йўли тикланди, Паттан аҳолисига яна чодирлар, иссиқ кийим-кечак, озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб берилди.

АЯНЧЛИ МАНЗАРАЛАР

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

Капитал дунёсида ишсизлик кучайгандан-кучайиб бормоқда. Ғўз ўттизинчи йилларда бўлганидек мингларча одамлар меҳнат биржалари олдида иш кутиб, умид билан навбат кутиб ўтиришибди. Улар бирор жойда иш топилиб қолишини эрта тонгдан то кечгача кўзлари нигорон бўлиб кутишади. Америкадаги АП агентлиги ҳозирги кундаги Сан-Франциско меҳнат бозоридаги манзарани ана шундай сўзлар билан тасвирлайди. Бундай манзара ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатларидаги йирик саноат марказлари ва бошқа катта шаҳарларда оддий бир аҳволга айланган. Меҳнат аҳли учун бу ерларда оғир кунлар яна бошланиб кетди.

Мамлакатда иқтисодий танглик борган сари кучайиб бормоқда. Бунинг устига ишлаб чиқариш деярли ҳар куни қисқариб бораяпти. Ҳозир биргина Сан-Франциснонинг ўзида 40 минг ишсиз борлиги аниқланди.

Кейинги пайтларда меҳнат биржалари олдида иш кутиб ўтирган одамларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Навбатда турувчиларнинг узунлиги бир неча кварталларни ташкил этаётир.

Шаҳар маъмурлари ишсизларга ёрдам бериш фавқулодда федерал программасининг ўтган йили охирида амалга ошириш юзасидан кўрган тадбирлари муносабати билан бир қанча иш ўринлари бор эканлигини маълум қилдилар. Бу программага мувофиқ, мамлакатда оз бўлса ҳам ишсизликнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш учун қилинган тадбирлар барибир ёрдам бермай қўйди. Чунки, Америка Қўшма Штатларида ишсизлар сони ҳар доим бетўхтов ортиб турибди. Ўтган йилнинг сўнгги ойларидаёқ АҚШда ишсизлар сони 6,5 миллионга етган эди. Демак, мамлакатда ҳар бир ўн бешинчи ишчи меҳнат қилиш имкониятларидан маҳрум этилган.

Ишсизликни камайтириш тадбирига биноан Сан-Франциско аҳолиси учун 800 ишчи ўрни тақсимланади. Юқорида айтганимиздек, бу ерда ишсизларнинг сони эса 40 минг кишидан ҳам ошиб кетган. Бундан кўриниб турибдики, биржалар олдида иш кутиб, нажот истаб турган одамларнинг кайфияти қанчалик ёмон эканлиги ҳеч ким учун сир эмас.

«30-йилларда бошланган буюк депрессия даврида ҳатто мен туғилган ҳам эмасдим, дейди 25 ёшлик йигит Рон Блюм, лекин мен бўлмагур бачканавозликни ўз кўзим билан кўриб турибман ва ана шунинг қурбони бўлиб яшамоқдаман.

Рон Блюм 1973 йилдан бери бирорта иш топа олмай сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Унга ўхшаганлар ҳозир Сан-Францискода ва бошқа шаҳарларда кўплаб топилади.

«Мен дизель механикларининг махсус курсини битириб чиққанман, дейди АП агентлиги мухбирига 18 ёшлик Кларенс Макдональд, курсни битириб чиққанимдан сўнг шу пайтгача бирор иш тополганим йўқ».

Ишсизлар орасида 25 ёшлик йигит Артур Приско майиб бўлиб қолганлар аравачасида ўтириб, навбат кутиб турибди. У махсус коллежни битириб чиққан экан. Артур автомобиль ҳалокатида саломатлигини йўқотиб, майиб бўлиб қолган. «Мен бу ерда навбат кутиб ўтирибману, — дейди Артур Приско, бирор ишга жойланармиканман деб умид қиляпман. Шу билан бирга, иш топилганда ҳам уни бажара оларманманми? Шулар мени ташвишлантирмоқда».

САНЪАТДА КАМОЛ ТОПГАНЛАР

ОРЗУЛАР

Бошланғич синфларда ўқиб юрган пайтлари эди. Ден Ук отасининг узоқ тунлар хаёлга чўмиб, нималарнидир қоғозга тушираётганини кўриб, ҳайратланар эди. У отасидан: «Нима ёзяпсиз?» — деб сўрамоқчи бўларди-ю, истиҳола қиларди.

— Отанг китоб ёзаяпти. У корейс халқининг аччиқ ўтмиши, қамиш кулбалари, деҳқонларнинг эртадан кечгача сув кечиб, шоли экканлари ҳақида жуда кўп китоблар ёзган.

Қизалоқ онасининг сўзларини эшитар экан, ўйланиб қоларди.

— Мен раққоса бўлсам дейман.

Бир куни Ден Ук онасига деди:

— Дугоналарим хореография билим юртига киришяпти. Мен ҳам борайми?

— Қани эди, сени саҳнада кўрсам, — қизига меҳр билан боқди она.

Онанинг сўзлари Ден Укка қанот боғлади. Қизалоқ Москва хореография билим юртида атоқли санъаткор Мессерердан таълим ола бошлади. Устози Ден Укнинг ҳаракатларини кузатар экан, унда умид пайдо бўларди.

Билим юртини битириш кечаси. Талабалар Иттифоқимиз балет усталари, санъатшунослари кўригидан ўтиши керак эди. Турли миллат қизлари орасида Хван Ден Ук ҳам қаяжонланиб турибди. У ўз маҳоратини намойиш қилишга шай. Ниҳоят навбат Ден Укка келди. Диплом ёқлаш кўригидан муваффақиятли ўтди. У корейс қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи балетмейстерлардан эди. Отаси ҳам, онаси ҳам беҳад фахрланишди.

Қиз уйига қайтгач, отасига ҳаяжон билан шундай деди:

— Сиз халқимиз ўтмиши, келажагини қалам билан ифодаладингиз, мен эса рақсда ифодаламоқчиман.

Шундай бўлди ҳам. Ден Ук Пхеньян шаҳар балет театрида ишлаб, ўз санъатини намойиш қилди, маҳоратини оширди. Бу ерда корейс халқ куйлари асосида яратилган рақсларни тинмай ўрганди.

Ден Ук 1963 йилда Тошкентга келди. Ўзбек санъаткорлари уни илиқ қарши олишди. Талантини намойиш қилиши, маҳоратини ошириши учун шароит яратиб беришди. У дастлаб, Тошкент яқинидаги «Политотдел» колхози ҳузурида корейс миллий ансамблини ташкил этди. Ансамбль республикага танилди.

Ниҳоят Ден Ук Тошкентга, «Ўзбекконцерт» ва «Узгосэстрада» бирлашган дирекциясига ижодий ишга таклиф этилди. Бу ерда у «Каягим» ансамблини ташкил этди ва унга балетмейстерлик қила бошлади. Ансамблнинг раққоса қизлари ижро этган японча «Кукагава», корейсча «Дурдона» рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ансамбль кундан-кунга ўз репертуарларини бойитиб бормоқда. Улар намойиш этаётган «Маржон» ўйинида Вьетнам халқининг шолидан мўл ҳосил етиштириши, Вьетнам диёрининг гўзал табиати ўз ифодасини топади «Кўза кўтарган қиз» рақсида корейс қизларининг меҳнатсеварлиги тараннум этилади.

Хван Ден Ук «Баҳор» ансамбли коллективи билан ҳам доимо ҳамкор. У бу севимли коллектив билан ГДР, Чехословакия ва бошқа қатор мамлакатларда бўлди.

— Келажакда «Баҳор» ансамбли ҳузурида совет композиторлари асарлари ва корейс халқ куйлари асосида янги-янги рақслар саҳналаштирмоқчиман, — дейди яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлган Хван Ден Ук.

Шу кунларда корейс раққосаси Хван Ден Ук номига кўплаб табрик телеграммалари, мактублар келиб турибди. Санъатсевар кишилар уни муборакбод этишмоқда. Янги-янги ижодий муваффақиятлар тилашмоқда.

Р. ИСҲОҚОВ,
У. ЮСУПОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китоб ва брошюраларни босмадан чиқарди.

Қ. Хасанов. ЛЕНИН ПЎЛЛАНМАСИ БИЛАН. 286 бет, тиражи 10000. Баҳоси 43 тийин.

С. Дадажонов. ҲАЁТ, АХЛОҚ ВА ҚОНУН. 30 бет, тиражи 14379, баҳоси 6 тийин.

М. Даминова. МАКТАБГАЧА ЕШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОИЛАДА АҚЛИЙ ТАРБИЯСИ. 30 бет, тиражи 16367, Баҳоси 6 тийин.

Ш. Турдиев. АДАБИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ ТОНГИДА. 37 бет, тиражи 15379, баҳоси 6 тийин.

О. Саидов. ҲАЖВ ВА ҲАЗИЛ ФОШ ЭТАДИ. Ўзбек совет фельетони ҳақида. 31 бет, тиражи 15379, Баҳоси 6 тийин.

С. Қосимов, И. Холматов. ЎЗБЕКИСТОНДА МИНЕРАЛ ЎҒИТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. 29 бет, тиражи 14076, Баҳоси 6 тийин.

Ҳ. Эгамбердиев, С. Саъдуллаева. ҒЎЗАНИНГ ҚОРАИЛДИЗ ЧИРИШ КАСАЛЛИГИ. 32 бет, тиражи 14076, баҳоси 6 тийин.

Асқад Мухтор. ШЕЪРЛАР, ПОЭМАЛАР. Тўрт томлик асарларнинг тўртинчи томи. 456 бет. Тиражи 10000, баҳоси 2 сўм 15 тийин.

Шукрулло. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. ПЬЕСАЛАР. Иккн томликнинг иккинчи томи. 319 бет, тиражи 10000, баҳоси 1 сўм 84 тийин.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ДИККАТ ГАЗ!

ИСИТИШ ГАЗ ПЕЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИГАН ГРАЖДАНЛАР!

ЕДДА ТУТИНГ, ГАЗ ЖУДА ҚУЛАЙДИР, ЛЕКИН УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАНДА ГАЗ ЖУДА ХАВФЛИ БЎЛИШИ МУМКИН.

Печкаларнинг мўридарига алоҳида эътибор бериш керак. Уларни ҳар бир иситиш мавсуми олдидан кўнгилли ўт ўчириш жамияти ва печка трубаларини назорат қилувчи бюро мутахассислари томонидан текширилиб, мўриларнинг ишга яроқлилиги тўғрисида ёзилган актларни тезлик билан шаҳар (район) газ конторларига топширинг.



УНУТМАНГ! Мўриларнинг тортиш кучи яхши бўлса бахтсиз ҳодисанинг содир бўлмаслигини гарантиялайди ва хонангизни доимо иссиқ бўлишини таъминлайди.

Мўрида тортиш кучи бўлмаган ва қопқоғи ёпиқ бўлган иситиш асбобларидан фойдаланиш жуда хавфлидир.

ПЕЧКАЛАРНИ ЁҚИШДАН ОЛДИН ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРИНГ:

Қопқоғни ва ўтхона остидаги ҳаво кирадиган тешикни очинг — бу ўтхонани шамоллатиш ҳамда мўриларда тортиш кучи борлигини билиш учун зарурдир;

Газ трубасидаги ва печка олдидаги крани очинг;

Қозонга ёқиб горелка запалига яқин олиб келинг;

Электромагнит клапани кнопкасини босиб икки минут ушлаб туриб, сўнгра қўйиб юборинг ва горелкада газнинг ёниб кетишини кутинг;

Горелкада газ ёнаётганлигидан сўнг гугурт чақиб тортиш кучи борлигини яна бир бор текширинг.

ТОРТИШ КУЧИ БЎЛСА ПЕЧКАДАН ФОЙДАЛАНИНГ, БЎЛМАГАН ТАҚДИРДА УНДАН ФОЙДАЛАНМАНГ ВА КУНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИГА ЕКИ ТРУБАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ БЮРОГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Мўриларда тортиш кучи бўлмаганда ва қопқоқ ёпиқлигида печкалардан фойдаланманг, акс ҳолда бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон ССР «ГЛАВГАЗ»и.

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

«Совет Ўзбекистони»га республикамизнинг барча шаҳар, қишлоқларидан кўплаб хат-хабарлар келиб турибди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

ОТА КАСБИ

Эминжон ака Азимов Калинин районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчасида меҳнат қилади. Мана, чорак асрдан бери сартарошлик касбини эъзозлаб келади.

— Касбимдан нолимайман, — дейди Эминжон ака. Сартарошлик билан халқнинг ҳурматини қозондим. Уйли-жойлиман. Пенсиядаман. Ўрнимда катта ўғлим Йўлдош ишлаяпти. Фарзандларимнинг ҳаммаси менинг касбимни олишди. Лекин фақат шу билангина чегараланиб қолишгани йўқ. Улар техникумларда сиртдан таълим олишяпти. Икки ўғлим: Ҳасан-Ҳусанлар эса Совет Армияси сафида хизмат қилишяпти.

Шуни айтиш керакки, касбнинг пасти-баланди бўлмайди. Фақат унга кўнгил қўйиш керак, холос. Сидқидилдан, ғайрат билан меҳнат қилсанг касбнинг қандай бўлишидан қатъий назар кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаверасан.

...Эминжон ака ва унинг, умр йўлдоши Лола опа фарзандларини муносиб кишилар қилиб вояга етказаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Эминжон ака эса ҳар куни одамлардан «Ўғлингизнинг қўли худди ўзингизникидек гул-а. Барака топсин. Шундоқ ўғлини ўстирган оилага ҳам раҳмат» — деган олқиш эшитганда кўнгли тоғдек кўтарилади. Ота-она учун фарзанди ҳақида одамлардан раҳмат эшитишдан ортиқроқ бахт борми!

И. ҒОЗИЕВ.

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтирингиз; дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ҳамда ялпи ҳосилни оширингиз...» КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида ана шундай сатрлар бор. Бу биз — қишлоқ хўжалик ходимларига, пахтакорларга қилинган даъват ҳамдир.

Кунр неча ғна шу ҳужжатни муҳокама қилишга бағишланган катта йиғилиш ўтказдик. Унда совхозимизнинг барча ишчи ва хизматчилари иштирок этдилар.

Совхоз ишлаб чиқаришининг турли участкаларида намуна кўрсатиб ишлаётган 464 коммунист партия комитети раҳбарлигида чинакам авангардлик ролини ўйнамоқда. Деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришга механизацияни кенг жорий этиш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва ишчиларда меҳнатга коммунистик муносабат ҳиссини тарбиялашда уларнинг таъсири ғоят кучли бўлмоқда. Оз маблағ сарфлаб, кўп, арзон, сифатли маҳсулот етиштириш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бутун коллективимизнинг диққат-эътиборида турибди. Совхозимиз коллективи янгиловчи йилда ҳосилдорликни 35 центнерга етказади. Партиямизнинг даъватига бизнинг муносиб жавобимиз бўлади.

И. МЕЛИЕВ,
Фарғона область, Киров районидаги «Бешариқ» совхози директори.

ОБИДЖОННИНГ ШОГИРДИ

Обиджон Акбаров... У бир мавсумда машинада минг тонна пахта териб, жаҳон рекордини қўйган коммунист. Зуваласи пишиқ, ишчан ва тадбиркор деҳқон. Ленин ордени кавалери, СССР Олий Советининг депутати. Эл оғзига тушиш, эъзозланиш осон эмас. Аммо, қишлоғимизда бундай донгдор кишилар ва уларнинг издошлари кўплаб топилади.

Шулардан бири Йўлчибой Мирзааҳмедов. У илгари Обиджон Акбаров бригадасида табелчилик қилди. Одамлар қалбига йўл топиш, улар билан ҳамкор-ҳамжиҳат бўлиб ишлаш санъатини эгаллади. Пахтачилик илмини, деҳқончиликнинг ўзига хос сирларини ўрганди. Улар ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбат хотирамда:

— Йўлчибой, ернинг пушти қизибди. Ҳиди гупиллаб димоққа уряпти.

— Уруғ ташласак бўлаверадими? — деди узун бўйли Йўлчибой.

— Бир кун кечиккан деҳқон, ўн кун кейин йиғади, ука. Ишни уйқусида, темирни қизиғида бос— ғанлар ҳеч қачон ютқазмаган...

Обиджон Акбаров қўриқ ерга— Комсомолободга кўчиб кетди. От ўрнини той босар деганлари рост экан. Мана, икки йилдан буён Йўлчибой Обиджон Акбаровнинг ўрнида. Ўтган хўжалик йили ўринбосарлар учун айниқса синов йили бўлди. Баҳор кеч келди, сув танқис бўлди. Йўлчибой Мирзааҳмедов бошлиқ бригада аъзолари зўр қатъият, матонат кўрсатиб ишладилар. Она-Ватан хазинасига 2347 тонна ўрнига 2471 тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, бу соҳадаги беш йиллик план тўрт йилда уддаланди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати «Октябрь 30 йиллиги» колхози Йўлчи Мирзааҳмедов бошлиқ бригадаси деҳқонларининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Механизаторлардан Э. Нишонов, Т. Узоқов, колхозчилардан М. Мирзаев, М. Абдиева, Т. Фозилов, О. Умаровлар ўз зиммаларига конкрет мажбурият қабул қилиб, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ерларни экишга тайёрлаш ишларида актив қатнашмоқдалар.

С. ТОЖИХОНОВ,
Андижон область, Марҳамат район 25-мактаб ўқитувчиси.

* * *

Шуқингдек, сирдарёлик С. Илёсов, қашқадарёлик С. Саидов, Ш. Ҳуррамов, тошкентлик Р. Алимов, Ш. Исроилова, О. Вафоев, фарғоналик У. Омонов, Ф. Абдуллаев, А. Отабоев, бенободлик А. Ҳамзаев, ғиждувонлик Ҳ. Қозоқов, андижонлик А. Дадахонов, Н. Раҳмонова, Беруний районидан Ж. Бўронов, солдатлардан Р. Дўлаков, Д. Мирзалиев, М. Сулаймоновлар ҳам қизиқарли материаллар юборганлар.

ҲАР ТЎҒРИДА

АСРИЙ ДАРАХТЛАР

Грузияда узоқ умр кўриб яшаётган асрий дарахтлар рўйхатга олиб бўлинди. Уч минг тупдан зиёдроқ ям-яшил баҳодир дарахтлар ҳисобга олинди.

Мухран водийсида 800 ёшга кирган эман дарахти сақланиб қолган. Унинг баландлиги 20 метр. Танасининг кенглиги 11 метр келади. Ривоятларга кўра, ана шу муаззам дарахт остида Грузия лашкарбошиси Георгий Саакадзе ҳарбий маслаҳатлар ўтказган.

Ал-Азан водийсидаги иккита сершох терак нинг ёши етти асрга тенг деб ҳисоблашяпти. Сванетия тоғларидаги қирқ метрлик липа дарахти ҳам ана шундай «қария»лардан ҳисобланади. Боржом дарасидаги каштан дарахтининг танаси ғоят катта: унинг шохлари остида икки юз киши яшириниб олади.

Ал-Азан дарёсининг юқори оқимида афсонавий ўрмонзор қулоч ёзган: денгиз сатҳидан қариб икки минг метр баландликда дарахтзорлар шовуллаб турибди. Ҳамиша яшнаб турадиган бу умри боқий дарахтлардан энг кенжаси 300 ёшга тўлган бўлса, энг кексасининг ёши мингдан ошиб кетган. Табиатнинг нодир ёдгорликлари давлат муҳофазасига олинган.

ҚАДИМДА НИМА БИЛАН ДАВОЛАНГАНЛАР?

Кўҳна замонларда одамларни қандай қилиб ва нима билан даволаганлар, қадимий Миср, Афинада, Римда, Россияда дори-дармонлар қандай тайёрланган? Уша замонларда аптекалар бўлганми ва улар қандай эди? Ана шундай саволларга, турли замонларда яшаган турли халқларнинг дори-дармон тайёрлаши тарихи билан боғлиқ бўлган бошқа кўпгина саволларга Москвадаги фармацевтика музейида жавоб топиш мумкин. Шундай музей борлигини пойтахтда яшовчи ҳар бир киши ҳам билавермайди. Бу музей ташкил топганлигининг 55 йиллигини, доимий экспозицияси ташкил этилганлигининг 40 йиллигини ва янги бинога кўчганлигининг 10 йиллигини бу йил нишонлайди.

Янги Черемушкадаги кўчалардан бирига жойлашган бу ўн чиндан ҳам ҳақиқий «аптекалар дунёси»дир: қадимий реторта ва тигеллар, тарозилар ва идишлар, ҳозирги замон фармацевтика техникасини акс эттирувчи фотографиялар қўйилган. Шкафлар ва витриналарда нодир рецептура китоблари. Бу китобларнинг кўпчилиги бир неча юз йиллар умр кўрган. Ана шу китобларга қараб қадимий даврлардаги табиблар беморларни даволашда нималардан фойдаланганликларини билиб олиш мумкин.

Москвадаги музей ўз коллекциясини қадимий аптека идишидан бошлаган эди. Музей доимий равишда тўлдирилмоқда: музей ходимлари эса турли жойларга сафар қилиб, қизиқ-қизиқ экспонатларни қидириб топмоқдалар. Айрим кишилар фармокология билан боғлиқ бўлган турли нодир буюмларни тухфа қилмоқдалар.

Москва музейининг укаси ҳам бор: Львовда шаҳардаги қадимий аптека биносида фармацевтика музейи ишлаб турибди. Бу аптека 250 йилдан буён мавжуд.

СПОРТ. БЕЛЛАШУВЛАР. ОЧКОЛАР

ШАХМАТ. Гастингсда ўтказилган халқаро турнирда Чехословакиялик гроссмейстер Властимил Горт биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи фахрли ўринга совет шахматчилари Белявский билан Ваганян даъвогарлик қилиб туришибди.

ФУТБОЛ. ЦСКА командаси футболчилари Ирокда иккинчи учрашувни ўтказдилар. Мамлакат ёшлар терма командаси билан куч синашувда футболчиларимиз 1:0 ҳисобида устунликка эришдилар. Ягона тўпни Дорофеев киритди.

ВОЛЕЙБОЛ. Фрунзеда мамлакат биринчилигининг зонал мусобақалари тугади. Куч синашувда ўзбекистонлик қизлар зона ғолиби бўлдилар. Улар кучли командаларни орқада қолдириб, финалга йўлланма олишди. Йигитларимиз эса, уч ютуқ ва бир мағлубият билан иккинчи ўринни эгаллашди. Шундай қилиб вакилларимиз ҳал қилувчи мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. «Ёшлик» арена— сида совғини учун саккиз команда иштирок этган мусобақада «Буревестник» спорт жамияти аъзолари ғолиблик қилдилар. 2-3-ўринларни «Меҳнат» ва «Спартак» командалари вакиллари олишди.

Ирина Роднина билан Александр Зайцевнинг номи мухлисларга яхши таниш. Улар фигуралиф учиш бўйича доврўг қозонган спортчилардан. Яқинда муз устида нафосатли ҳаракатлар устаси ҳисобланган бу икки спортчи яна зафар қучишди. Улар Киевда ўтказилган мамлакат биринчилигида яна бир карра чемпион номига сазовор бўлдилар. Суратда: И. Роднина билан А. Зайцев.

ТАСС фотоси.

* * *

СОВХОЗ СПОРТЧИЛАРИ

Олой тоғи ён бағрида «Сўх» ихтисослаштирилган совхоз посёлкаси жойлашган. Совхоз Риштон райони маркази — Куйбишевдан эллик километр олисда. Лекин бу ерда ҳам ёш сабзавотчилар, шолиқорлар, маккажўхорикорлар физкультура ва спорт билан шуғулланмоқдалар. Совхозда ташкил этилган ўн бир секцияда етти юзга яқин йигит-қизмунтазам шуғулланмоқда. Бу секцияларга кинамеханик Х. Халмирганов, новвой Н. Турумбоев, ўқитувчи А. Муллабоев, шофер А. Юсупов ва бошқа жамоатчи тренерлар раҳбарлик қилишмоқда. Совхоз ёшлари ўртасида спортнинг футбол, кураш, волейбол ва қўл тўпи турлари айниқса кенг тарқалган.

Қишлоқ физкультура коллективининг спорт маҳорати ўсаётганлиги тўғрисида физкультура коллективи аъзоларининг район, область ва республика мусобақаларида эришган ғалабаларигина далолат бериб қолмайди. Утган йили совхознинг етмиш нафар меҳнатчиси оммавий спорт разрядлари нормативини бажарди. Спортнинг турлари бўйича ўттиз нафар судья ва қирқ нафар жамоатчи инструктор тайёрланди.

Совхознинг олти юз элликдан ортиқ ишчи-хизматчиси ҳозир ГТО ўқув группаларида шуғулланмоқда. Хўжалик меҳнатчиларидан ҳар ўн кишидан бири шу фахрли значокни тақиб юриш ҳуқуқига эга бўлди. (ЎзТАГ).

ЗАЙНАБ НОМИДАГИ МУКОФОТ

Тожик механизатори Муборак Каримова учун янги — 1975 йил қутли бошланди. У Тожикистон комсомолининг Биби Зайнаб номидаги мукофотини олди. Республикада энг яхши механизатор қизга шу мукофот берилади.

Халқ қаҳрамони Биби Зайнаб тожик хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб паранжисини ташлаган ва Лоқай—Тожик район ижроия комитетининг раиси бўлган эди. Уни Совет ҳокимиятининг душманлари 1928 йилда ваҳшийона ўлдирган эдилар. Биби Зайнаб номи тожик ёшлари учун янгилик, илғор ишлар учун кураш рамзи, шонли меҳнат рамзи бўлиб қолди.

20 яшар ёш коммунист Муборак Каримова Ленинобод область Хўжанд районидаги иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Ўринхўжаев номли колхозда механизатор бўлиб ишлаяпти. У беш йилликнинг белгиловчи йилида комбайн билан 261 тонна «оқ олтин» терди. Терилган ана шу пахтадан тўқилган газлама миллионта кўйлакка етади. Муборак 1975 йилда камида 280 тонна пахта теріб бермоқчи.

(ТАСС).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 Кинофильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш. 20.30 — Шеъриятмухлисларига. 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — Ёш бастакорлар. Д. Сайдаминова, Н. Зокиров. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Ватанга долар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Телефильм. 12.15 — **Андрейка** (бадиий фильм). 18.10 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30 — Врач маслаҳати (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.55 — **Кузги момақалдироқ** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — «Азимут» (Тошкент). 22.30 — Ёш овозлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Концерт. 20.00 — **Шафқатсиз тун** (бадиий фильм). 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.35 — Математика оламига саёҳат. 22.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/I да **Травиата**, 17/I да **СССР халқ артисти БЕРНОРА ҚОРИЕВАнинг ижодий кечаси**, 18/I да **Севги ва қилич.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да **Парвоз**, 17/I да **Оқшомдан тушгача**, 18/I да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да **Тоғ гўзали**, 17/I да **Жоним фидо**, 18/I да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да **Ташвишланманг, онажон** (19.00), 17/I да **Нон, қон, инсон** (19.00), 18/I да **Беш кунлик куёв** (19.00).

КИНО

Сўнгги гувоҳ — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Маккенининг олтинлари — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Оклахома — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Есения — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Севишганлар қиссаси—САНЪАТ САРОЙИ — (кундуз ва кечқурун).

Янги центрионлар — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Анжелика — фаришталар маликаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги буса — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент шаҳридаги

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — ТУРТ ВА БЕШ ОЙ.

Ўқувчиларга стипендия берилади ва улар электротранспортда бепул юрадилар. Ёлгиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ САВДО БОШҚАРМАСИГА

жойларга чиқиб ишлаш учун бош бухгалтерлар ва бухгалтерлар

КЕРАК

Ишчилар турар-жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Саперная кўчаси, 2-уй.

Республика «Союзпечать» бошқармаси Бухоро область «Союзпечать» агентлигининг собиқ бошлиғи

Наврўз Маъмурович МАЪМУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 01145. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 13.